

Масруқ ибн Абдурахмон



09:00 / 23.03.2023 1204

Масруқ ибн Абдурахмон тобеиннинг улуғларидан бўлиб, Ҳамадон шаҳрида дунёга келганлар, кунияси – Абу Оиша.

Амирул мўминин Умар розияллоҳу анҳу Масруқ ибн Абдурахмоннинг исмларини ўзгартирганлар. Бу воқеа шундай бўлган. Шаъбий ривоят қилади: «Масруқ вакил бўлиб келганларида ҳазрати Умар у кишидан:

- Сен кимсан? - деб сўрадилар.
- Масруқ ибн Аждаъ, - дедилар.

Шунда Умар розияллоҳу анҳу айтдилар:

- Аждаъ - у шайтоннинг номи. Сен Масруқ ибн Абдурахмонсан!

Кейин у номини «Масруқ ибн Абдурахмон», деб ёзадиган бўлди».

Абу Зухо ривоят қилади: «Масруқ бир кишини оқлаб гапирдилар. У киши ҳимоя қилгани учун Масруққа чўрисини ҳадя этди. Масруқ дарғазаб бўлиб, дедилар:

- Агар шундай ниятинг борлигини билганимда гапирмаган бўлардим. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг шундай деганларини эшитганман: «Кимки ҳақ берилишини кўзлаб, бирон зулмни дафъ қилмоқчи бўлса ёки шу мақсадда бировни оқлаб ҳимоясига олса, кейин бунинг учун унга ҳадя берилса ва у қабул қилса, бу манъ қилинган ишдир». Ибн Масъудга: «Ахир бу ерда манъ қилинган нарсани кўрмаяпмиз, фақат ҳукм учун ҳақ олиняпти-ку?!»

дейишди. Ибн Масъуд айтдиларки: «Ҳукм учун ҳақ олиш куфрдир».

Бир куни Масруқ ибн Абдурахмон жиянининг қўлидан ушлаб, Куфанинг бир чеккасидаги ахлат уюмининг устига олиб чиқдилар ва:

- «Сизларга дунёни кўрсатайми, мана - у! Уни едингизлар, кейин йўқ бўлди. Уни кийдингизлар, кейин йиртилиб увадага айланди. Уни миндингизлар, кейин озиб-тўзди. Дунё учун қонлар тўкиб, қон ютдингиз, дунё деб ҳаромни ҳалолга чиқардингиз, қариндош-уруғлардан узилдингиз, - дедилар.

Масруқнинг охирги умиди ҳақида Абу Воил айтади: «Ўлими арафасида Масруқ: «Эй Аллоҳ! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам , Абу Бакр, Умар қилмаган бир иш, улар юрмаган бир йўл устида ўлиб қолишдан ўзинг сақла! Аллоҳга қасамки, на олтин, на кумуш қолдирдим. Қолгани - мана шу қилич. Шунинг эвазига мени кафанланглар», деб васият этдилар».

Абу Воил сўзида давом этиб дейди: Масруқ олтмиш уч ёшида дунёдан ўтдилар. Ҳамадонда Масруқдек киши кейин туғилмади».